

ХУДДИ СИЗГА ЎХШАБ

(Хикоя)

Вақтинча раҳбарлик вазифасини балжариб турган Тўраев минбарга кўтарилгач, залда одамларнинг шивири ва стулларнинг тарақ-туруғи тинди. Нотиқ томоқ кириб олди- да, сўз бошлади:

- Ўртоқлар, заводимиз чиндан ҳам қанча танқид қилинса арзийдиган аҳволга тушиб қолди. Ўтган йилги режа барча соҳалар бўйича бажарилмади. Даромад кескин камайиб кетди. Кўплаб маҳсулотни брак қилишга тўғри келди. Келтирилган хомашёнинг катта қисмини қайта ишлашга улгура олмадик ва ортгани ёғин-сочинда нобуд бўлди. Фақат темир йўл маъмуриятининг ўзигагина юкни вақтида тушириб олмаганимиз учун бир ярим миллион сўм жарима тўладик. Буларнинг сабаби маълум, албатта.

Корхонада меҳнат интизоми ниҳоятда бўшашиб кетган. Кўпчилик масъулият ҳиссини бутунлай унутиб қўйган. Баъзилар бир келиб кўриниб кетса бас, қабилида иш тутишади. Меҳнат унумдорлиги жуда паст. Ҳайрон қоласан киши. Бутун мамлакатда барча соҳалар бўйича беқиёс ўсиш, кўтаринкилик... Бизда эса тамоман тескарис.

Ҳамма жойда яшириниб ётган нинадай резервни ҳам топиб ишга солишга ҳаракат қилишади. Бизда-чи? Завод ҳовлисида занглаб ётган қимматбаҳо, замонавий станокларни қаранг! Уларни ҳар бири ўттиз-қирқ миллион сўмдан туради ахир! Келтирилганига неча йил бўлдию, улардан фойдаланишни ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмайди.

Буларнинг ҳаммасига собиқ директоримиз Муллаев айбдор. У тепса тебранмас одам завод учун умуман қайғурмади. Бир йил давомида бирор марта цехларни айланмабди-я! Кабинетга келиб, кабинетдан кетаверарди. Ўзи заводимиздан нима ишлаб чиқарилишидан хабари бормиди, йўқмиди, билмадим. Умуман, бизни Муллаев ботқоққа ташлаб кетди. Энди бундан...

Шу пайт Тўраевнинг гапини бўлиб кимдир залдан лўқма ташлади:

- Шунча нарсани биларкансизу, нега ўша пайтда директорнинг ўзига айтмадингиз, ўртоқ Тўраев?

Тўраев каловланиб қолди, пешонасида тер йилтиллади. У кафти билан терни сидираркан, сўради:

- Ким гапирди?

Залдан садо чиқмади. Одамлар қимир этмай ўтиришар, кўпчилик бошини эгиб олганди.

- Ким гапирди деб сўраяпман?

Яна ҳеч қандай жавоб бўлмади.

- Ўртоқлар, ҳозир кимдир гапирди-ку ахир!.. Майли, унда жавобни эшитинг, — деди Тўраев. — Ўша пайтда мен ҳам худди сизга ўхшаб писиб ўтиргандим. — У шарт-шарт юриб минбардан тушиб кетди.

**Ёзувчи Ориф Фармоннинг
“Ёввойи одам” китобидан**